

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

Турномани Т.«25» июли 2022й

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «43-сон ХТ ва АФҲУДУИИИ» номидан низом асосида иш юритувчи, рахбари Самарбаев Исроил бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Тош масжид» МЧЖ номидан низом асосида иш юритувчи рахбари Х.Уразов иккинчи томондан «43-сон жорийий тиллар ва айрим фанлар тукур ураниш урталаридаги мактаб-интернати буюртиши» жорий таъмирлаш буйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади;

- **ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект жорий таъмирлашига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда кабул килиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда таъмирлаш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;
- **таъмирлаш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг таъмирлаш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб куйилади;
- **вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан таъмирлаш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;
- **беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;
- **шартнома нархини булиб чиқиш** – ишларнинг хар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган холда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ 43-сон жорийий тиллар ва айрим фанлар тукур урталаридаги мактаб-интернати буюртиши жорий таъмирлаш кузда тутилган лойиха буйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини уз ичига олган холда жорий нархларда **ККС билан** 708633189 (Етти юз саккиз миллион асби юз ўттиз уз минг беш юз тўқсон тўққуз) сумми ташкил этади.
4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта куриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:
 - таъмирлаш қийматини купайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;
 - ишлар қиймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;
 - объектнинг таъмирлаши бир йилдан ортик муддатга узгартирилганда.
5. Таъмирлаш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- таъмирлаш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва саклашни таъминлайди;

- таъмирлаш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор қилиш;

- таъмирлаш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шуниингдек ёритиш чироклари урнатиш;

- таъмирлаш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда таъмирлаш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

- таъмирлаш майдони қуриқлигини таъминлаш;

- таъмирлашда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тугрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини буюртмачига тақдим қилади.

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган узининг 20% га тенг булган ва унга хизмат курсатувчи банк томонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тулик хажмда тақдим қилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган таъмирлаш майдонини объект таъмирлаши ва таъмирлаш тугаллангунгача булган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-таъмирлаш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулик мулкий жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолагандан ва Ҳазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик кучга қиради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради

15. Объектни 20.22 йил «1» сентябр да фойдаланишга топширилиши белгиланади.

VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича узаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» қилинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% микдоридан аванс уткази, бу 212589957.00 (Икки юз чққ миллион беш юз саксон тўққуз миң тўққуз юз элчи тўққуз) сумни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар уч банка қунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)

19. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.

20. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект таъмирлаши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект таъмирлашига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тулаш, объект таъмирлашида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект таъмирлашининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот ойнанинг охириг қунигача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун таъмирлаш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактура» узи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган таъмирлаш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган таъмирлаш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура» асос бўлади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи таъмирлаш майдонида уз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан утказиладиган таъмирлаш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четта чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг таъмирлаш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз қучлари билан ва таъмирлаш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаसा, Пудратчи уларни тузатишнинг кечинкиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, таъмирлаш техникасининг ишдан чиқиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек таъмирлашни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган қамчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган қуч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган қуч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага қелтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар энгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан куп вақтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар таъмирлашини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида қелиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:-барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;- лойиха ҳужжатларига ҳамда таъмирлаш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

- узи томонидан таъмирлаш учун қулланиладиган таъмирлаш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорда жарима солиш ҳуқуқига эга.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ булмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вақтга қечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга қупайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадавлига риоя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари таъмирлаш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб қеладиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ булмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тухтатиб қуйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қушма қарорига қура тугалланмаган таъмирлаш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим қоидага мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

40. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги қонунида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 395 сонли қарори билан, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.

42. Мазкур шартномада қузда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қуйидаги ҳолларда жавобгар булади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома буйича бунинг окибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кузда тутилган ишларнинг бажарилмаган кисмининг 5% миқдорида жарима тулайди;
 - буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка кунда сабабсиз пудратчининг ҳисоб рақамига утказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорида жарима тулайди;
 - шартномага муофик ишларни бажариш жадвали буйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдорида жарима тулайди;
 - шартнома шартларига муофик тайёр ҳолда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тулайди;
43. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкый жавобгар булади ва:
- Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тулайди.
 - Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойнанинг охири кунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тулайди;
 - Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган кисмининг 5% миқдорида жарима тулайди;
 - объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тулайди;
 - Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун кундан ортиқ булмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тулайди.
44. Агарда томонлардан бири уз реқвизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини нотугри берса ва узгарганлиги туғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айбдор тамон иккинчи тамонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорида жарима тулайди.
45. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тугри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.
46. Тамонларнинг мулкый жавобгарликка тортилиб тулайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% ошмаслиги керак.
47. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкый талабларини далолатнома асосида тулов талабномаси буйича акцентсиз амалга оширишга ҳақлидир.

XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

48. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан қелишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат қилишлари мумкин.

XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

49. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қелишувлари уз қучини йукотади.
50. Пудратчи таъмирлаш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи тамонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга булмайд.
51. Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган булса, ҳақиқий ҳисобланади.
52. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан қелиб қикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб қеладиған ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

53. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин таъмирлаш майдонида узига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи таъмирлаш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

54. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига К.К.С. тугрисида узгартиришлар киритилса қайта куриб чиқилади.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома тамонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Газначилиқдан руйхатдан утгандан кейин юридик қучга қиради ва бу шартнома 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

57. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлиб 3 нусхада тузилди.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

ПУДРАТЧИ:

БУЮРТМАЧИ:

«Тош масжид» МЧЖ

43-сон Афрутдилов

Манзили: Гурлан тумани Эшимжийрон кишлоғи

Манзил Гурлан 9. Бобур кўча 71 уй

Тел/факс : +99899 025 11 55

Тел/факс 623653895

х/в : 20208000100513422001

х/в 100021860332087092300025003

Банк номи: АТБ "КИШЛОҚ КУРИЛИШ БАНК".
БОШ АМАЛИЁТЛАР БОШКАРМАСИ

бюджетдан маблағ олувчи СТИР и 201403654

МФО : 01037 СТИР : 200210595

ИФУТ 25310

ИФУТ : 41202

Газначилик бул номи: Молия Вазирлиги Газначилиги

Газна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий Банк Тошкент

МФО 00014

Газначилик булимаси СТИР и 201122919

Раҳбар

Ҳазрат Масан Юсуфбой
(Ф.И.Ш.)
ўғли.

Раҳбар

Саидбаев Имом
(Ф.И.Ш.)

М.Ў.



Ҳуқуқшу



И. Якубов
(Ф.И.Ш.)

Гурлан Туман 43-сон АФУФВНИ биносини торий таъмирлаш

буйича ойлар давомида молиялаштириш графиги

(минг сум)

Т/р	Объект номи ва манзили	Хажм бирлигининг киймати	2022 йил учун молиялаштириш хиймати												
			1-чорақ			2-чорақ			3-чорақ			4-чорақ			
			Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	
1	43-сон АФУФВНИ биносини торий таъмирлаш														

2022.12.15



Султан

Пудратчи:

Султан



Султан

Тўрқон тумани 43-сон Афғанистон Республикаси билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида
 Бўйича ойлар давомида ишларни бажариш графиги

(Минг сум)

Тўр	Объект номи ва манзили	Хажм Бирлигининг киймати	2021 йил учун бажариш киймати											
			1-чорақ			2-чорақ			3-чорақ			4-чорақ		
			Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
1	43-сон Афғанистон Республикаси билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида								551 000 000					



Султанов

Пудратчи:



Пудратчи:

Ҳасанов

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 120609 на приобретение 43-сон мактаб-интернат биносини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 19.07.2022

Время рассмотрения 19.07.2022 18:06

Конкурсная комиссия Хоразм вилояти Гурлан туман 43-сонли айрим фанлар чукур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернати, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	SAPARBAYEV IKRAM SHARIFBAYEVICH	Мактаб директори	Гурлан туман 43-сон мактаб интернати
Секретарь комиссии	MASHARIBOVA MARG'UBA BAXTIYOROVNA	Маънавий ва маърифий ишлар буйича директор уринбосари	Гурлан туман 43-сон мактаб интернати
Член комиссии	SAMANDAROV MUZAFFAR PULATOVICH	Чет тиллар буйича директор уринбосари	Гурлан туман 43-сон мактаб интернати
Член комиссии	SAPARBAYEV DAVLATBOY XAYTBOYEVICH	Хужалик ишлар буйича директор уринбосари	Гурлан туман 43-сон мактаб интернати
Член комиссии	RUZMETOVA MUQADDAS BAXADIROVNA	Бош хисобчи	Гурлан туман 43-сон мактаб интернати
Член комиссии	KARIMOV QADAMBOY ATAJANOVICH	Касаба уюшмаси кумитаси раиси	Гурлан туман 43-сон мактаб интернати

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 19.07.2022 года № лота 120609.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 65

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	723 763 179.00
Стартовая сумма	723 763 179.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги . Банкдан картатека 2 дан қарздорлиги бўлмаслиги керак.

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома (танлов эълон қилинган кундан кейин олинishi шарт QR коди билан) Хизмат курсатувчи банкдан маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ABU BAKR STROY OOO	10	файл бирикtrildi	10	Экспертная		
ЮКСАК БУНЁДКОР СЕРВИС Х К	10	10	10	Экспертная		
"TOSH MASJID" MCHJ	10	Маълумотнома такдим килинди	10	Экспертная		

Критерий №2 Молиявий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот (2021 йил учун йиллик баланс ва молиявий натижалар ҳисоботи)

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархнинг 50% гача миқдордаги айланма маблағлар мавжудлиги хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган ҳамда шу санага объектнинг бошланғич нархнинг камида 30 % маблағи ҳисоб рақамда мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади маълумотнома танлов эълон қилингандан кейин олинган бўлиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ABU BAKR STROY OOO	10	файл бирикtrildi	10	Экспертная		
ЮКСАК БУНЁДКОР СЕРВИС Х К	10	10	10	Экспертная		
"TOSH MASJID" MCHJ	10	Маълумотнома такдим килинди	10	Экспертная		

Критерий №3 Қурилишда фойдаланиладиган машина ва механизмлар руйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Кархонада мавжуд бўлган юк автомобилларнинг ишлаб чиқарилган йили ва юк кўтариш қуввати кўрсатилган маълумотномаси, ҳамда транспортларнинг техник паспорти ва техник кўриқдан ўтганлиги кўрсатилиши керак. Бошқа машина ва механизмларнинг мавжудлиги тўғрисида Туман статистика бўлимининг маълумотномаси муҳрланган ва имзоланган кўринишда такдим килинади.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ABU BAKR STROY OOO	10	файл бирикtrildi	8	Экспертная		
ЮКСАК БУНЁДКОР СЕРВИС Х К	10	10	5	Экспертная		
"TOSH MASJID"	10	Маълумотнома	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МСНҲ		такдим килинди				

Критерий №4 Қурилиш майдонини кўрганлик тўғрисидаги маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Буюртмачи томонидан берkitилган маъсул ходим билан биргаликда иш хажими ва хусусиятини тўлик ўрганганлиги(белгиланган шакилда) лойҳа - смета хужжатлари мос келиши тўғрисида маълумот маъсул ходим ва офертан вакили имзоси ва буюртмачи ташкилот мухри билан тасдиқланган бўлиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ABU BAKR STROY OOO	15	fayl briktrildi	9	Экспертная		
ЮКСАК БУНЁДКОР СЕРВИС Х К	15	15	8	Экспертная		
"TOSH MASJID" МСНҲ	15	Маълумотнома такдим килинди	15	Экспертная		

Критерий №5 Ташкилот раҳбарининг мутахассислик бўйича олий маълумотга эгаллиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот раҳбарининг қурилиш соҳасидаги иш стажи , маълумоти , мутахассислигига караб 1 дан 4 гача бал ҳисобланади. Раҳбар олий маълумотли қурулиш соҳасига доир маълумотга эга бўлган, стажи камида 5-йил бўлиши тавсия қилинади

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ABU BAKR STROY OOO	10	fayl briktrildi	10	Экспертная		
ЮКСАК БУНЁДКОР СЕРВИС Х К	10	10	6	Экспертная		
"TOSH MASJID" МСНҲ	10	Маълумотнома такдим килинди	5	Экспертная		

Критерий №6 ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ

Тип: Текстовое значение

Описание: Буюртмачилар билан тузилган шартномалар рўйхати санаси ва суммаси жадвал кўринишда узининг мухри билан тасдиқланган ва имзоланган кўринишда илова қилинади ва ушбу бажарилган ишлар далолатномасининг сканер нусхаси юкланиши керак.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ABU BAKR STROY OOO	15	fayl briktrildi	15	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЮКСАК БУНЁДКОР СЕРВИС Х К	15	15	7	Экспертная		
"TOSH MASJID" MCHJ	15	Маълумотнома такдим килинди	15	Экспертная		

Критерий №7 Оферент тўғрисида умумий маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Кархона устави, гувоҳномаси, ҚҚС гувоҳномаси(фаол бўлиши керак), кархона тўғрисида умумий маълумот,

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ABU BAKR STROY OOO	5	fayl biriktirildi	5	Экспертная		
ЮКСАК БУНЁДКОР СЕРВИС Х К	5	5	5	Экспертная		
"TOSH MASJID" MCHJ	5	Маълумотнома такдим килинди	5	Экспертная		

Критерий №8 Ишчи ва ходимлари малакаси мутахасислиги ва иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: ишчи ходимлар буйруғи, маълумоти, мутахасислиги курилишдаги иш стажлари му. mehnat.uz сайти билан мос келиши. Туман бандликга кўмаклашиш маркази маълумономаси асосида.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ABU BAKR STROY OOO	10	fayl biriktirildi	2	Экспертная		
ЮКСАК БУНЁДКОР СЕРВИС Х К	10	10	10	Экспертная		
"TOSH MASJID" MCHJ	10	Маълумотнома такдим килинди	10	Экспертная		

Критерий №9 Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза такдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб.

Тип: Текстовое значение

Описание: Оферент томонидан имзоланган муҳирланган кўринишда

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ABU BAKR STROY	5	fayl biriktirildi	5	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО						
ЮКСАК БУНЁДКОР СЕРВИС Х К	5	5	5	Экспертная		
"TOSH MASJID" MCHJ	5	Маълумотнома такдим килинди	5	Экспертная		

Критерий №10 ВМнинг 2021 йил 55-сон қарори билан тасдиқланган "Қурилиш соҳасида танловларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида" ги низом талабларидаги рейтинг кўрсаткичларига эга бўлган ташкилотлар иштирок этишлари шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Рейтинг кўрсаткичларига мувофиқ юқорида кўрсатилган жорий таъмирлаш ишларига, юқори тажрибага эга бўлган ташкилотларни жалб этиш мақсадида баллар қуйдагича ҳисобга олинади

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ABU BAKR STROY ООО	10	fayl biriktirildi	5	Экспертная		
ЮКСАК БУНЁДКОР СЕРВИС Х К	10	10	10	Экспертная		
"TOSH MASJID" MCHJ	10	Маълумотнома такдим килинди	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ABU BAKR STROY ООО	723 763 179.00	720 000 000.00 UZS	720 000 000.00	00.00	720 000 000.00	18.07.2022 12:47:25	09.84
ЮКСАК БУНЁДКОР СЕРВИС Х К	723 763 179.00	717 000 000.00 UZS	717 000 000.00	00.00	717 000 000.00	18.07.2022 16:23:17	09.88
"TOSH MASJID" MCHJ	723 763 179.00	708 633 199.00 UZS	708 633 199.00	00.00	708 633 199.00	18.07.2022 17:27:37	10.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ABU BAKR STROY ООО	71.1	9.84	80.94
ЮКСАК БУНЁДКОР СЕРВИС Х К	68.4	9.88	78.28

"TOSH MASJID" MCHJ	85.5	10	95.5
--------------------	------	----	------

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 120609 от 19.07.2022 года на приобретение 43-сон мактаб-интернат биносини жорий таъмирлаш определила победителем:

"TOSH MASJID" MCHJ
200210595

и резервный исполнитель: ABU BAKR STROY OOO (305843545)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	SAPARBAYEV IKRAM SHARIFBAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	RUZMETOVA MUQADDAS BAXADIROVNA	Согласен	
Член комиссии	SAMANDAROV MUZAFFAR PULATOVICH	Согласен	
Член комиссии	SAPARBAYEV DAVLATBOY XAYTBOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	KARIMOV QADAMBOY ATA JANOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП